Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2007 йил 1 декабрь ШАНБА
№ 98 (12.005)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади
www.th.uz

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 30 ноябрь куни Оқсаройда Вьетнам Социалистик Республикаси, Бангладеш Халқ Республикаси ва Франция Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган – Ле Ван Тоан, Муҳаммад Ҳасиб Азиз ва Хюг Перне ишонч ёрлиқларини топширди.**

Давлатимиз раҳбари ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олар экан, элчиларни шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинланганини билан қутлади, юртимизда бошлаётган миссияларида муваффақият тилади. Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатлар билан ҳамкорлиги ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзбекистон-Вьетнам муносабатлари изчил ривожланмоқда. Президент Ислом Каримовнинг 1996 йилда Вьетнамга расмий ташрифи чоғида ўзаро алоқаларнинг тамал тоши қўйилиб, ҳамкорликни кенгайтиришнинг ҳуқуқий асоси яратилди – мамлакатларимиз ўртасида Давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисидаги шартнома, шунингдек, гуманитар, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликка оид қатор битимлар имзоланди. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Вьетнам қўшма комиссияси тузилган. 2007 йил октябрь ойида Ханойда унинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. "Ўзбекистон-Вьетнам" ҳамда "Вьетнам-Ўзбекистон" дўстлик жамиятлари фаолият кўрсатмоқда.

Вьетнам томони Ўзбекистоннинг илм-фан ва таълим соҳасидаги улкан салоҳиятини назарда тутиб, олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтлари ва академик доиралар ўртасида бевосита алоқаларни ривожлантириш ташаббусини илгари сурмоқда. Иқтисодий соҳада кимё саноати, пахтачилик, нанотехнологиялар, энергетика каби йўналишлардаги ҳамкорликни кенгайтиришга катта қизиқиш билдиради. Мамлакатимизда Вьетнам сармоядорлари билан ҳамкорликда очилган "Донг Шон", "Силк Индастриз", "Иритек Инжиниринг" каби қатор қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Сайёҳлик соҳасидаги имкониятларни тўла ишга солиш икки томон учун ҳам фойдалидир.

Вьетнам элчиси Ле Ван Тоан халқларимизнинг тарихан қарор топган дўстлиги мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг мустаҳкамланишида муҳим омил бўлаётганини ва юртимиздаги фаолияти мобайнида бу ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланишига ўз ҳиссасини қўшиш учун куч-ғайратини аямаслигини таъкидлади.

Бангладеш Ўзбекистон мустақиллигини биринчилар қаторида тан олган давлатлардандир. Жорий йилнинг октябрь ойида мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига 15 йил тўлди. Ўзбекистон ва Бангладеш ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан маслаҳатлашувлар ўтказиш йўлга қўйилган. Иқтисодий соҳадаги алоқалар савдо-иқтисодий ҳамкорлик, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, икки томонлама солиқдан қочиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битимларга асосланади. Ўзбекистонда Бангладеш сармоядорлари билан ҳамкорликда тузилган ўнга яқин қўшма корхона фаолият юритмоқда.

Бангладеш элчиси Муҳаммад Ҳасиб Азиз ўзбек ва бенгал халқларини маданий ва маънавий яқинлик муносабатлари бирлаштириб туришини, мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ҳамкорлик изчил ривожланаётганини таъкидлаб, ўз миссияси давомида савдо-иқтисодий алоқалар кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратишини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Франция ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан кейин ўтган даврда Тошкент ва Парижда уч марта Ўзбекистон-Франция саммитлари бўлиб ўтди. Икки мамлакат раҳбарлари халқаро ташкилотларнинг саммитлари доирасида ҳам бир неча бор учрашган. Ўзбекистон ва Франция ўртасида парламентлар, ташқи сиёсат, ташқи савдо, мудофаа маҳкамалари, қатор бошқа вазирлик ва идоралар делегацияларининг мунтазам ташрифлари йўлга қўйилган. Франция Сенатида "Франция-Марказий Осиё", Миллий йиғинида эса "Франция-Ўзбекистон" депутат гуруҳлари фаолият кўрсатади.

Савдо-иқтисодий соҳада Франция Ўзбекистоннинг Европадаги йирик шерикларидан. Ўзбекистонда ўндан ортиқ Франция фирма ва компаниясининг, "Креди Коммерсиаль де Франс" ва "Сосьете Женераль" банкларининг ваколатхоналари очилган. "Миришкор" (чигитни қайта ишлаш), "Кофра" (пойабзал ишлаб чиқариш) каби қатор қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Таълим соҳасидаги ҳамкорлик ривожланмоқда. Бу йўналиш макроиқтисодиёт, молия сектори, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳалари учун кадрлар тайёрлашни ўз ичига олади. Академик доиралар ўртасида яқин алоқалар йўлга қўйилган – Франция Давлат маъмуриятининг халқаро институти Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси билан изчил ҳамкорлик қилиб келмоқда, ўзбек ва француз мутахассислари қуёш энергиясини ўрганиш, юқумли касалликларга қарши курашиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг серҳосил навларини яратиш борасида қўшма тадқиқотлар олиб бормоқда.

Франция элчиси Хюг Перне ўзаро муносабатларни ривожлантиришнинг улкан имкониятлари мавжуд эканлигини таъкидлаб, уларни тўлиқ ишга солиш йўлида куч-ғайратини аямаслигини қайд этди.

**ЎзА.**

Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар

## КЎНГИЛЛАРДА НУР БИЛАН



**Кундан-кунга яшнаб, ёшариб бораётган мустақил Ўзбекистонимизнинг бугунги қиёфаси дунё аҳлининг эътиборини қозонмоқда. Зеро, бу озод юртнинг ҳуш ҳавосидан, ҳаётбахш навосидан қувват олиб, ўсиб-унаётган ниҳоллари 16 ёшдан ошиб, балоғат даврининг олтин остоналарига қадам қўймоқда.**

– Юртбошимизнинг эл-юрт фаровонлиги, ёшлар камолоти йўлидаги ғамхўрликлари ўз мевасини бермоқда, – дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Муаллам Зуфарова. – Ёш итеъдодларни, айниқса, иқтидорли қизларимизни кашф этишда, уларни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган элимизнинг ардоқли фарзанди шоира Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилганига ҳам саккиз йилдан ошди. Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг 112 нафар зукко қизлари ушбу нуфузли мукофотга сазовор бўлишди.

Уларнинг саккиз нафари вилоятимиз вакилларидир. Ҳозирги кунда Зулфия номидаги Давлат мукофотига муносиб бўлиш орзусидаги талабгорлар 2054 нафарга етди. Агар 2006 йилда ўтказилган танловларда 1589 нафар иқтидорли қизлар иштирок этганлигини назарда тутсак, вилоятимизда танловга бўлган қизиқиш, интилиш йилдан-йилга ортиб бораётганлигини кўриш мумкин.

Янгийўл туманидаги ижтимоий-иқтисодиёт коллежида бўлиб ўтган Зулфия мукофотига номзодлар танловининг бу йилги вилоят босқичида 25 нафар энг сара қизлар иштирок этишди. Вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси фаолларининг саъй-ҳаракатлари билан катта шодиёнага айланган тадбир иштирокчиларини вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Акбарова қутлар экан, шундай деди:

– Мустақил Ватанимизнинг келажаги ёшлар қўлида. Ёшларимиз, истеъдодли қизларимиз эса юрт кўксида очилган гулларга қиёс. Ана шу гулларни асраб-авайлаб келаётган диёримиз аҳлининг, муҳтарам Юртбошимизнинг ишончини оқлаш барчамизнинг бурчимиздир. Бугунги танловга етиб келиш, унда иштирок этишнинг ўзи катта бахт. Чеҳрангиздаги шодлик, қувонч ана шундан далолат. Барчангизга омад ёр бўлсин.

Ҳақиқатдан ҳам, танловнинг бешта йўналиши бўйича маҳоратларини намойиш этган қизларнинг ҳар бири ўзига хос олам...

Айниқса, шеъриятга, санъатга бўлган қизиқиш, интилиш танловга ҳакамлик қилган таниқли олимлар, бастакорлар, шоирлар ва журналистлар томонидан ҳам эътироф этилди.

(Давоми 2-бетда).

## ҚИШЛОҚДА ТУРМУШ МАДАНИЯТИ

### ушбу масала жамоатчилик тингловида чуқур муҳокама қилинди

"Экосан" халқаро ташкилоти ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамкорлигида "Қишлоқда турмуш маданиятининг ижтимоий-гигиеник ва экологик жиҳатлари" мақсадли дастурининг Тошкент ва Қашқадарё вилоятларидаги ижросига бағишланган жамоатчилик тинглови бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси вакиллари, Тошкент ва Қашқадарё вилоятлари ҳокимлари ўринбосарлари, бошқа вилоятлар ҳокимликлари вакиллари, қатор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Тошкент вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Турсунбой Комиловнинг тадбирдаги маърузасида таъкидланганидек, вилоят аҳолисининг 60,8 фоизи қишлоқда истиқомат қилади. Уларни ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш мақсадида 51 та қишлоқ аҳоли яшаш жойларидаги мавжуд сув иншоотлари реконструкция қилинди, 16 та янги сув қудуғи қазилди, 14 та сув қудуғи созланди, 69 та турли русумдаги сув насослари ўрнатилди, 8 та сув иншооти капитал таъмирланиб, 76 километр сув қувурлари тортилди, 22,5 километр масофадаги қувурлар реконструкция қилинди. Натижада 150 минг 699 нафар аҳолини тоза ичимлик суви билан узлуксиз таъминлаш йўлга қўйилди.

Жамоатчилик тингловида қишлоқ аҳолисининг ҳаммомларга бўлган талабини ўрганиб чиқиш ва шу асосда замонавий қурилиш индустриясининг ютуқларидан фойдаланган ҳолда мавжуд ҳаммомлар тизимини қайта тиклаш, душ хоналарига бўлган эҳтиёжни инобатга олиб, уларни саноат корхоналари негизида ташкил этишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, қишлоқларда маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини кўпайтириш, шахсий уй-жой қуриш ва таъмирлаш, узоқ муддат ишлатиладиган рўзғор буюмларини сотиб олиш учун қишлоқ аҳолисига керагича микрокредитлар ажратиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Учрашув иштирокчилари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманларда 2008-2010 йилларга мўлжалланган "Қишлоқда турмуш маданиятининг ижтимоий-гигиеник ва экологик жиҳатлари" мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш таклифини қабул қилдилар.

**Хуршида НАЗАРОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

## «ОМАД» БИРИНЧИ

***"Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш, ўқувчи қизларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни спорт мусобақаларига оммавий жалб қилиш, соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш мақсадида Оҳангарон шаҳридаги саноат касб-ҳунар коллежида спортнинг мини футбол тури бўйича республика мусобақасининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.***

Унда шаҳардаги 2 та коллежнинг "Баркамол авлод" ва "Омад" терма жамоалари ўқувчи қизлари ўзаро баҳс юритишди.

Маиший хизмат коллежининг "Омад" гуруҳи қизлари биринчи, саноат коллежининг "Баркамол авлод" жамоаси вакиллари 2-ўринни қўлга киритишди.

Мусобақалар сўнгида ғолиб ва иштирокчилар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Оҳангарон шаҳар бўлими кенгашининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Хуррият МЎМИНОВА.**

Обуна – 2008

## ҲАР БИРИНИНГ ЎРНИ БОШҚА

### – дейишади Ангрен иссиқлик электр станцияси ишчи-хизматчилари даврий нашрлар ҳақида сўз борганида

Ҳар йилгидек, корхона раҳбарияти томонидан цехлар ўртасида олиб борилган тарғибот ишлари ўз самарасини кўрсатди. Ташкилий ишларга асосан ҳар бир ходимнинг ўзи хоҳлаган нашрни танлаши, бир йиллик обуна пулини иш ҳақи ҳисобидан бухгалтерия орқали почта бўлимига ўтказилиши хусусида маъмурият номига аризаси олинди.

Шу йўсинда республика ҳамда вилоятимизнинг ижтимоий-сиёсий нашрларига, шунингдек бошқа газеталарга жамоанинг тўқсон фоиз аъзоси 1 йилга обуна бўлди.

– Ходимларимизнинг аксарияти "Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталарига ёзилдилар, – дейди корхона директори Ҳабибулло Шоисматов. – Тўғри, бугун ҳар бир нашрнинг ўз ўрни, мавқеи бор. Лекин вилоятимиз ҳаётини тўла-тўкис ёритиб келаётган бу газеталарни ҳаммамиз ҳам севиб ўқиймиз. Демоқчиманки, келгуси йилда бизда 160 киши вилоят газетасини ўқийди.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**СУРАТДА:** корхона ходимларидан бир гуруҳи "Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталарининг янги сони билан танишмоқда.



Муносабат

## КЕЛАЖАККА ҒАМХЎРЛИК

**Болалигидан спортга, айтайлик, футбол ўйнашга қизиқмаган одам бўлмаса керак. Спортнинг сеҳри, оҳанрабоси шу қадар кучлики, шаҳарнинг қоқ марказида, замонавий спорт мажмуасининг шундоққина биқинида яшайдиган ўсмирнинг қизиқишидан олис бир қишлоқда, бепоён дашту далаларда вояга етаётган ўғил-қизнинг иштиёқи асло кам бўлмайди.**

Болалигимизда тенгтўшлар билан ҳар куни йиғилиб, футбол ўйнардик. Ҳозир қизиқ туюлиши мумкин, лекин ўша вақтларда аксариятимизнинг ота-онамизга бизнинг бу ўйинларимиз шунчаки шаталоқ отишдек туюлар, кўпда рухсат бераверишмасди. Сабабини ўйлаб кўрсам, ҳар куни устбошимиз чанг бўлиб, асфальтда йиқилиб, яра-чақа орттириб келишимиз уларни хавотирга соларкан. Чунки яқин ерда спорт билан шуғулланишимиз учун на ўйингоҳ, на тузукроқ майдон йўқ эди.

Бугун Истиқлолимиз шарофати, хусусан, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва раҳнамолигида марказлардан тортиб, чекка-чекка қишлоқ ва овулларда қад ростлаган, ўсмирлар билан ҳамиша гавжум замонавий спорт мажмуаларини кўриб, фақат ҳавас қилиш мумкин. Буни қарангки, спорт давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири даражасига кўтарилгани, бу борадаги узоқни кўзловчи, изчил ва доимий ислоҳотлар каттаю кичикнинг онги ва дунёқарашини ҳам тамоман ўзгартириб юборди. Энди спорт нафақат жисмоний тарбия, балки ёш авлод камолотининг кафолати, соғлом турмуш тарзининг асоси, шунингдек, эл-юрт довруғини дунёга достон қилувчи омилга айланди. Мамлакатимизда ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини таъминлаш, уларда спортга муҳаббат туйғуларини кучайтириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, бу ислоҳотларни аниқ тизимга солиш ва юқори босқичга кўтаришда Юртбошимизнинг "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонлари муҳим ва залворли қадам бўлди. Беш йилдирки, мазкур жамғарма мамлкатимизда оммавий спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келаётир.

Куни кеча Президент Ислом Каримов раислигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг Оқсаройда бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида жамғарманинг ўтган вақт мобайнидаги фаолияти чуқур таҳлил қилиниб, навбатдаги вазифалар муҳокама этилди. Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, спорт – соғлом авлодни тарбиялашнинг муҳим воситасидир. Бинобарин, фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда балоғат ёшидаги болаларнинг бўйи аввалгига нисбатан ўртача 5 сантиметрга, вазни 4-8 килограммга ортгани кузатилмоқда. Бу рақамлар юртимизда ҳаёт сифатини ҳар томонлама юксалтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг ижобий самараларидир.

Дарҳақиқат, бутун диёримизда бўлгани каби, вилоятимизда ҳам спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш ишлари кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Айтайлик, кейинги тўрт йил ичида жойларда 49 та янги спорт иншоотлари фойдаланишга топширилди. Уларнинг деярли ҳаммаси қишлоқларда қад кўтарди. Яна 24 та мактабнинг спорт залларини қуришга 6 миллиард 400 миллион сўмга яқин маблағ йўналтирилди. Янги йилда яна 15 та болалар спорти мажмуалари қурилиши режалаштирилган. Спорт масканларини замонавий инвентарлар билан жиҳозлаш, шу тариқа спортнинг барча турлари билан шуғулланиш имкониятларини яратишга катта эътибор қаратилаётир. Шу йилнинг ўзида болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоят филиали томонидан янги барпо этилган 8 та иншоотни жиҳозлаш учун қарийб 80 миллион сўм маблағ сарфланди.

Статистик маълумотларга қараганда, вилоятимиз аҳолисининг 36,4 фоизи спорт билан шуғулланади. Яна бир муҳим жиҳат, спорт билан шуғулланувчилар сафида хотин-қизлар сезиларли даражада ошаётганлигидир. Бунда спортнинг бадиий гимнастика тури қизларимиз ҳаётига чуқур кириб бораётгани муҳим аҳамият касб этаётир. Илгари бу нафис тур билан шуғулланиш шарт-шароитлари фақатгина Чирчиқ шаҳрида мавжуд бўлган бўлса, эндиликда ҳар бир туман-шаҳарлардаги спорт иншоотларида бадиий гимнастика тўгараклари доимий ишлаб турибди. Шу билан бирга спорт мактаблари ва мажмуаларини устоз-мураббийлар билан таъминлаш ва улар малакасини мунтазам ошириб бориш масаласи ҳам соҳа мутахассисларининг доимий эътиборида. Бунда ихтисослашган олий ва ўрта-махсус ўқув юртлари, педагогика институтлари билан яқиндан ҳамкорлик қилинаётир.

Бироқ, тан олиб айтиш жоиз, ҳали олдимизда қилиниши лозим бўлган ишлар, ечимини кутаётган муаммолар ҳам оз эмас. Спорт иншоотлари қурилишидаги камчиликлар, спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказиш, спорт секциялари фаолиятини самарали йўлга қўйиш, қизларни спортга кенгроқ жалб этиш борасида сусткашликлар борлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган ҳамда кам таъминланган ва кўп болали оилалар фарзандларини спорт машғулотларига фаол ва мунтазам жалб этиш масаласи ҳам доимий эътибор талаб этади.

Оқсаройда бўлиб ўтган йиғилишда Юртбошимиз мана шу жиҳатларни алоҳида тилга олиб, муаммолар ечими юзасидан қимматли фикр-мулоҳазаларини ўртага ташлади.

Бинобарин, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, спорт фарзандларимиз иродасини тоблайди, қалбида ўз халқи, юрти билан фахрланиш туйғуларини мустаҳкамлайди. Зеро, фахру ифтихор инсон учун ўзининг юксак мақсадларига эришишида катта таянч ва мадад бўлади.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

## ТАРКИБ АНИҚЛАНДИ

***Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунга бағишлаб "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Оҳангарон шаҳар бўлими кенгаши ташаббуси билан болалар спорт мактабида миллий кураш бўйича "Камолот" кубоги биринчилиги ўтказилди.***

Ушбу спорт мусобақасида 12 ёшдан 16 ёшгача бўлган 35 нафар спортчи иштирок этди. Ғолибликка эришган спортчилар шаҳар терма жамоаси таркибидан ўрин олишди.

**Лазизхон ҲАСАНОВ.**

23 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

# ҚИЗИҚИШ КАТТА

**Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида беқиёс муҳим воқеа – Президент сайлови тобора яқинлашиб келмоқда. Вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида уни уюшқоқлик билан ўтказиш учун тайёргарлик ишлари қизғин паллага кирди.**

Тарғиботчилар аҳоли ўртасида сайлов қонунчилиги, мамлакатимизда амалга оширилаётган чуқур ислоҳотларнинг самаралари, тинчлик ва ижтимоий барқарорлик, фуқаролараро баҳамжиҳатлик ҳақида суҳбатлар ўтказишаяпти.

– Одамларда ҳаётимиздаги янгиланиш ва ўзгаришларни идрок этишга қизиқиш, мустақил Ўзбекистон учун ифтихор туйғулари кунсайин намоён бўлиб турибди, – дейди Бўка туманидаги 256-участка сайлов комиссияси раиси Ҳабибулло Хожимуродов. – Бизнинг сайлов участкамиз Дўстлик ва Гулистон маҳаллаларини қамраб олади. Ҳар икки маҳаллада 42 нафар ёш йигит-қиз бу сайловда биринчи марта овоз беради. Умуман, ҳозиргача 2286 киши сайловчилар рўйхатига киритилди.

Сайловолди тайёргарлиги 258-участкада ҳам қизғин олиб борилаётир.





Участка аъзолари, маҳаллаларнинг фаоллари сайловчилар билан учрашиб, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсати, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига дадил кириб бориши, иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларнинг самаралари, турмушимизга тобора чуқур сингиб бораётган маънавий қадриятларимиз ҳақида суҳбатлар ўтказишаяпти.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

**СУРАТЛАРДА:**
256-участка сайлов комиссияси раиси Ҳабибулло Хожимуродов фаоллардан Одил Солиев ва Гулнора Сарварова билан ташвиқот-тарғибот ишларининг боришини муҳокама қилмоқда; 258-участка сайлов комиссияси раиси Отажон Қаҳҳоров ёш сайловчилар билан суҳбат ўтказаяпти.
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

Суд-ҳуқуқ ислоҳоти

**Ижро интизоми пухта бўлган жойда иш самарали тус олади. Шу мақсадда суд-ҳуқуқ ислоҳоти мобайнида судлар ва бошқа органлар қарорларининг сўзсиз бажарилиши тобора муҳим аҳамият касб этаётир. Бу борада суд қарорларини ижро этиш, уларнинг фаолиятини моддий-техник ва молиявий жиҳатдан таъминлаш департаментининг саъй-ҳаракатлари алоҳида ўрин тутаяпти. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш, моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу ишни янада кучайтириш вазифасини қўйди.**

# ИЖРО ИНТИЗОМИ – МУҚАДДАС

Бизнинг ҳудудий бошқармамиз тизимидаги суд ижрочилари дастлабки тўққиз ой мобайнида ижро йиғими 140 миллиард 144 миллион 521 минг сўмлик 76 мингдан зиёд қарор ва ҳужжатларнинг ижроси билан шуғулланишди. Тамомланган ижро қиймати бунинг 91,5 фоизини ташкил этди. Амалда ундирилган сумма 72,2 фоизга етди. Ҳолбуки, ўтган йилнинг тўққиз ойида бу кўрсаткич 54,5 фоизга тўғри келган эди.

Бу ютуқ бир қатор ташкилий-тарбиявий тадбирлар самарасидир. Чунончи, кейинги пайтда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, ходимлар ўртасида ижро интизомини мустаҳкамлашга доир ишларга эътибор кучайтирилди. Ходимларнинг меҳнат ва моддий шароитларини яхшилаш юзасидан кўрилган чоралар ҳам ўз самарасини берди, албатта.

Иш самарадорлигини оширишга қаратилган яна бир янгиликни ҳам таъкидламаслик мумкин эмас. Хусусан, бошқармамизнинг ташкилий тузилмаси қайта кўриб чиқилди, унинг таркибида ундирувларнинг турлари – хўжалик, умумий юрисдикция судлари, солиқ, божхона ва бошқа органлар қарорларини ижро этиш бўйича ихтисослаштирилган бўлимлар ташкил этилди. Статистика ва таҳлил бўлими ҳам тузилиб, фаолият йўналишларимизга тегишли ўзгартиришлар киритилди. Ижро механизмини яхшилаш мобайнида орамиздаги айрим нопок кишилардан қутилдик. Ишимиздаги камчиликларни ҳам босқичма-босқич бартараф этишга киришдик. Кадрлар захирасини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар кўрилди, суд ижрочиси лавозимига номзодларни танлов асосида саралаб олиш тартиби жорий этилди.

Ошкораликни таъминлаш, суиистеъмолликларнинг олдини олиш мақсадида хатланган автотранспорт воситалари ва кўчмас мулкни биржаларда очиқ кимошди савдолари орқали сотишнинг янги тартиби жорий этилди. Мол-мулк сотувини амалга оширувчи баҳоловчиларни ва савдо ташкилотларини танлов асосида саралаб олиш механизми шакллантирилди. Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижросини ташкиллаштириш бўйича ишчи гуруҳлари тузилиб, қарорда кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Уларни изчил амалга ошириш ўз самараларини бера бошлади. Айни пайтда мажбурий ижро этиш механизмини янада такомиллаштириш, шунингдек, суд қарорларини ижро этишдан бўйин товлаш ва тўсқинлик қилганлик учун жавобгарликни кучайтириш чоралари кўрилди. Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарорларнинг ҳисобини юритиш ва уларнинг ундирилишини назорат қилиш кучайтирилди.

Хулоса қилиб айтганда, соҳада мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгилаб олиниб, босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

**Улуғбек АБДУАЛИЕВ,**
**суд департаменти вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи.**

# ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС

***Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида халқимиз, айниқса ўсиб келаётган ёш авлод маънавияти, онгу шуурини миллатимизга ёт мафкуравий хуруждардан асраб-авайлашда маданият ва санъатнинг роли ғоят катта эканини алоҳида таъкидлаган.***

Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмасининг умумий йиғилиши – қурултойи бу борада ижодкорлар, жумладан, мусаввирлар зиммасидаги масъулиятли вазифаларга бағишланди.

Қурултойда ижодкорлар масъулиятини янада ошириш, миллий руҳ билан йўғрилган асарларнинг бадиий қиймати, аҳамиятини ёш авлод онгига етказишда мусаввирлар, санъатшунос олимлар ва мутахассислар ҳамкорлигини кучайтириш, бадиий таълим тизимини янада такомиллаштиришга оид амалий чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Қурултойда Т. Қўзиев Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси раиси этиб қайтадан сайланди.

**ЎзА.**

Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар

# КЎНГИЛЛАРДА НУР БИЛАН

– Бугунги тадбир кўтаринки руҳда, чиройли ўтди, – деди Ўзбекистон Халқ шоири Маҳмуд Тоир. – Халқимизнинг бетакрор фазилатларини – ақл, одоб, ҳаё, иффат, заковатни ўзида мужассамлаштира олган қизларимизни кўриб, қалбларимиз фахр ва ғурурга тўлди. Улар саҳнага кўнгилларида нур билан чиқиб келишди ва йиғилганларга зиё улашишди. Лекин бу баркамоллик, етуклик сари қўйилаётган илк қадамлардир. Ҳали олдинда синовлар бисёр. Ғайрат-шижоатли, қатъиятли қизларимиз изланишдан, интилишдан асло чарчамайди. Бунга ишончим комил.

– Тошкент вилояти Ўзбекистонимизнинг энг нуфузли вилоятларидан биридир, – деди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси эксперти, юрист аёллар уюшмаси раиси Жамила Шермуҳамедова. – Бугун саҳнада чақнаб турган ақл-фаросатли, меҳнатсевар қизларни, бўлғуси оила бекаларини кўриб, чуқур ҳаяжонга тушдим. Ахир улар юртимиз келажагини таъминловчи ёшлар. Айниқса, тикувчи-моделъер, зардўз, каштачи қизларимизнинг миллий қадриятларимизга бўлган ҳурмат-эҳтиромидан бошим кўкка етди. Қаранг, қандай гўзал миллий либосларимиз бор. Атласдан тикилган никоҳ кўйлагининг жозибаси ўзгача...

Ҳақиқатдан ҳам саҳнада туриб, бутун борлиғи билан она-юрт, Ватанга бўлган меҳрини изҳор этаётган, оташин шеърлар ўқиётган доно, зукко қизлар йиғилганларда катта таассурот қолдиришди.

Бу ҳақда ҳакамлар ҳайъати аъзоси, кекса журналист Нуъмонжон Насимов шундай деди:

– Бағрикенглик – халқимизга хос энг ноёб фазилат. Қизларимизнинг билим доираси, савияси, маҳорати, тиришқоқлигини муносиб баҳолаш одил ҳакамларимизнинг бурчи, албатта. Иштирокчилар ҳар бир йўналиш бўйича бундан ҳам пухта тайёргарлик кўришларини, айниқса, мумтоз адабиёт вакилларига, уларнинг ижодига янада чуқурроқ кириб боришларини истар эдим. Муҳими, мустақиллик неъматлари қадри, Ватанга муҳаббат, ўзаро меҳр-оқибат туйғулари бунданда мустаҳкам бўлсин. Ёшларимиз ўсиб-унсин.

Танлов якунида беш йўналиш бўйича ўз маҳоратларини намойиш этган йигирма беш нафар қатнашчининг чиқишлари муносиб баҳосини олиши учун тақдим этилган ҳужжатлар яна бир бор кўриб чиқилиши лозимлиги таъкидланди. Тез фурсатда, сараларнинг сараси, беш нафар энг доно, оқила, билимдон, зукко қизларимизнинг номлари маълум бўлади.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).






**СУРАТЛАРДА:**
тадбирдан лавҳалар.
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

**Тошкент шаҳридаги Киночилар уйида муборак Ҳаж зиёратига жўнаб кетадиганлар билан учрашув бўлиб ўтди.**

# ҲАЖ САФАРИ ОЛДИДАН

Мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Давлат божхона қўмитаси, Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раиси ўринбосари А. Юнусовнинг маълум қилишича, бу йил муборак Ҳаж сафарига отланган ҳамюртларимизнинг дастлабки гуруҳи 2 декабрь куни эрталаб Саудия Арабистонига жўнаб кетади. Уларнинг муборак сафари кўнгилдагидек ўтиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Учрашувда ҳамюртларимизга Ҳаж амалларини адо этишлари учун тегишли тавсиялар ва белгиланган бошқа тартиб-қоидалар ҳақида тушунтиришлар берилди.

**ЎзА.**

# "ЎЗИНГНИ, ДЎСТИНГНИ ... АСРА!"

**лойиҳаси асосида бугун бутун республикада ёшлар иштирокида кенг кўламли тадбирлар ўтказилади**

Мамлакат ёшларини ОИТС, гиёҳвандлик ва чекиш каби зарарли иллатлардан асраш, уларни Ватан, эл-юрт ва миллий қадриятларимизга садоқатли қилиб тарбиялаш, дунёқарашлари ва фикрлаш доираларини кенгайтириш, иқтидорли ижодкор ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида "1 декабрь – Халқаро ОИТСга қарши кураш куни"га бағишлаб, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ташаббуси билан бугун "Ўзингни, дўстингни ... асра!" шиори остидаги махсус лойиҳа асосида тадбирлар ўтказиш режалаштирилган.

Лойиҳа доирасидаги тадбирларда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоят ва Тошкент шаҳридан жами 15000 дан зиёд ёшларнинг иштирок этиши кўзда тутилмоқда. Ушбу жараёнда истироҳат боғлари, ўқув муассасалари ва бошқа жамоат жойларида ОИТС ва гиёҳвандликнинг олдини олиш ва салбий оқибатларини бартараф этишга, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга чорловчи плакатлар, буклетлар, турли ўқув-услубий қўлланмалар тарқатилади.

Шунингдек, тарғибот-ташвиқот ишларидан ташқари жойларда ёшлар ўртасида "ОИТС, гиёҳвандлик ва чекишга йўқ деймиз!" мавзуида иншолар ва расмлар танлови ўтказилиши мўлжалланган.

2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили

# ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ

**2007 йилни Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилишдан мақсад одамларимиз орасида меҳр-мурувват, ҳиммат ва саховат, яхшилик туйғуларини янада баркамоллаштириш, халқимизнинг бу олижаноб фазилатларини ёш авлод руҳига теранроқ сингдиришдир. Оҳангарон шаҳар ҳокими Абдуғаффор Маннопов билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг совғалари – "Пентиум-IV" русумли компьютерларни хонадонма-хонадон юриб, ногирон болаларга топшириш жараёнида дилимиздан ана шу ҳислар ўтди.**

– Бундай меҳрибонликдан бошимиз осмонга етди, – дейди 7-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Собир Қуддусовнинг онаси Равшания Рамизовна. – Ўғлим оёқда юролмаса ҳам ақли тийрак, иқтидорли. Компьютер унинг ҳаётига ўзгача мазмун олиб киришига шубҳам йўқ. Президентимизга, халқимизнинг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларига катта эътибор қаратаётган ҳукуматимизга мингдан-минг раҳмат.

– Беш фарзандимиз бор, ўзим 5-мактабда ўқитувчиман, – дейди Насиба Рисқулова. – Турмуш ўртоғим Бахтиёр Йўлдошев "Тез ёрдам"да фельдшер бўлиб ишлайдилар. Ҳалол меҳнатимиз билан фарзандларимизни ўстираяпмиз. Бировдан кам жойимиз йўқ. Қизимиз Нафиса шаҳар маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида тикувчилик, ўғлимиз Умиджон саноат касб-ҳунар коллежида механик-технолог мутахассисликларини эгаллашмоқда. Фотима ва Ҳусанлар мактаб ўқувчилари, Тоҳиржон ҳали жуда ёш. Кўп болали оила сифатида мамлакатимизда ёш авлод келажагига эътибор ва ғамхўрликни юракдан ҳис этиб яшаяпмиз. Бугунги совғадан кўксимиз тоғдай кўтарилди. Ҳусанжонимизнинг хурсандлигини қаранг. Бу кунни фарзандларимиз бир умр унутишмайди.

– Мен ўзим ҳам III гуруҳ ногирониман, – дейди 7-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Абдуҳамиднинг дадаси Анвар Боймирзаев. – Умр йўлдошим Ҳалимахон хусусий фирмада ишлайди. Уч ўғлимизни бировдан кам қилмай тарбиялаяпмиз. Давлатимиз ғамхўрлигини мунтазам ҳис этиб турибмиз. Катта ўғлим Аброр Тошкентда ўқийди, ички ишлар ходими бўлишни ният қилган. Аҳрор билан Абдуҳамид мактабда таълим олишяпти. Президентимиз совғаси фарзандларимиз келажаги учун қандай катта имконият яратиб беришини сўз билан ифодалашга ожизман. 4-қаватга компьютерни кўтариб чиқиб, ўрнатиб, созлаб, тантанали равишда топширишди.

Ана шундай унутилмас кун яна икки хонадонда бўлиб ўтди. "Истиқлол" кўчасида истиқомат қилувчи 2-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Ҳусан Яхшибоев, II кичик тумандаги 15-уйда яшовчи Мавлуда Жўраева оилаларига ҳам Юртбошимиз совғаси кириб борди.

**Нурали АБДУРАСУЛОВ.**

***Ангрен, Бекобод, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарлари ва бир қатор туманларда "Бизга бефарқ эмаслар" лойиҳаси доирасида тадбирлар ўтказилди. Уларга профилактик ҳисобда турувчи 637 ўсмир жалб қилинди.***

# «СИЗГА БЕФАРҚ ЭМАСМИЗ!»

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, вилоят ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси, прокуратура, хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ўтказилган бу тадбирда ҳуқуқий-ахлоқий мавзуларда суҳбатлар ташкил этилиб, иштирокчиларга видеофильмлар намойиш қилинди. Давра суҳбатида эса, болалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ўсмирларга "Болалар" жамғармасининг совғалари тарқатилди.

**М. ТОШБОЕВ.**

3 декабрь - Халқ аро ногиронлар куни

# «КЎНГЛИМ ТОҒДЕК КЎТАРИЛДИ»

**деди Чирчиқ шаҳрининг Шодлик маҳалласида яшовчи Нишонгул Иброҳимова**

Синиқ кўнгилларни кўтариш, одамларга қувонч улашиш халқимизнинг азалий одати. Миллий қадриятлар турмушимизга тобора чуқур сингиб бораётган ҳозирги пайтда саховатпешалик янги-янги жиҳатлари билан намоён бўлаётир. Ана шундай хайрли тадбирлардан бири Чирчиқ шаҳридаги Шодлик маҳалласида бўлиб ўтди.

– Маҳалламизда фаолият юритаётган тадбиркорлар ногиронлар куни арафасида кўнгли ярим кишилар учун чинакам байрам уюштиришди, – дейди маҳалла хотин-қизлар қўмитаси раиси Ҳалима Юсупова. – Шу билан бирга айрим ногиронларнинг уйларига кириб, ҳол-аҳволидан хабар олдик, турли совға-саломлар топширдик.

Дарҳақиқат, "NATPI-SERVIS SAVDO", "Минимаркет", "Хайриниcо", "AHROL", TRANS PLUS, "Хумор" сингари тадбиркорлик корхоналари ҳамда хусусий фирмаларнинг соҳиблари Наири Манунян, Сайёра Исмоилова, Жамшид Рўзиев, Йўлдош Ражабов бу кун бир умр эсда қолиши учун ҳаракат қилишди.

– Шундай инсонларнинг менинг турмушим билан қизиқиши, ёрдамлари кўнглимни тоғдек кўтарди, – деди меҳмонлар билан хайрлашаётиб Нишонгул Иброҳимова. – Бу ҳимматлари, яхшиликларини бир умр унутмайман.

**Юсуф ЖУМАЕВ.**



**СУРАТДА:**
совғаларни топшириш пайти.
**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

# ДЕПАРТАМЕНТ ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ

**Хусусий тадбиркорлик субъектларининг аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш тармоғи жадал ривожланиб бораётгани, эндиликда бу соҳада муқим бир тизим яратишни ва қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўймаслик учун қатъий назорат ўрнатишни тақозо этмоқда.**

Шу мақсадда сўнгги йилларда ушбу тармоқни ривожлантириш ва қонуний изга солишга қаратилган бир нечта қарорлар қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Шаҳар йўловчи ташиш автотранспортида очиқ тендер танловларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида"ги, "Йўловчилар ташиш автотранспортида шаҳар атрофи ва шаҳарлараро йўналишларда очиқ тендер танловларини ташкил қилиш ва ўтказиш тўғрисида"ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари ҳукуматимиз томонидан соҳага нечоғлик катта эътибор берилаётганидан далолатдир.

Вазирлар Маҳкамасининг "Тошкент вилояти ҳокимлигининг йўловчи транспортларининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаментини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ҳам вилоятда транспорт хизмати сифатини яхшилашда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Вилоят ҳокимининг ҳукумат қарори ижросига қаратилган қарорига асосан департамент ташкил этилди ва асосий вазифалар белгилаб олинди.

Эндиликда ташкилот йўловчи ташувчи ва бошқа турдаги транспортларни лицензиялаш ва уларнинг ҳаракатини мувофиқлаштириш, аниқроғи йўловчи ташишни ташкил этишда асосий буюртмачи вазифаларини ўз зиммасига олади.

Вилоятда бу соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш, йўловчи ташувчиларнинг транспорт хизматлари бозорига киришлари учун тенг шарт-шароитлар яратиб бериш ва уларнинг хизматлари самарасини назорат қилиш ҳам департамент фаолияти доирасига киради.

– Бундан ташқари йўловчи ташиш транспортлари учун чипта тизимини жорий қилиш, чипталар, карточкалар, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ фуқароларнинг айрим тоифаларига транспортда имтиёзли юриш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар тайёрлашни ҳам департамент амалга оширади, – дейди департамент бошлиғи вазифасини бажарувчи Эргаш Азизов. – Энди вилоят шаҳарларидаги транспорт бошқармалари ва бўлимлари ўз фаолиятини тугатади. Шунингдек, "Тошвилтранс" ҳудудий уюшмаси эндиликда автомобилда йўловчи ва юк ташувчилар ҳамда автотерминаллар уюшмаси, яъни "Тошвилтранстерминал" тарзида қайта тузиладиган бўлди.

Кўриниб турибдики, белгиланган ушбу вазифалар вилоятда транспорт хизматларини тартибга солиш ва сифатини оширишга қаратилган.

Ўйлаймизки, департамент бу муҳим тадбирлар асосида ўз фаолиятини муқим йўлга қўйгач, вилоятда транспортдан тушадиган нақд пул, солиқ ва бошқа тўловлар янада ошади.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

***Қибрай туманидаги А. Матқобулов маҳалласида яшовчи Қаҳҳоровлар хонадонида кўнгилсизлик юз берди. Кутилмаганда ёнғин чиқиб, 2 соат ичида оиланинг ҳамма нарсаси куйиб, кулга айланди.***

# ОҚИБАТИНИ ҲИС ЭТИШ ЛОЗИМ

Мутахассислар ва экспертиза хулосаларига кўра, электр симларининг узоқ вақтдан буён янгиланмаганлиги натижасида ёнғин содир бўлган.

Бундай ачинарли воқеалар оз бўлсада, учраб туради. Айни "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" давом этаётган кунларда бундай кўнгилсизликлар сабабини таҳлил қилиб кўрсак, аксарият ҳолатларда фуқароларнинг эътиборсизлиги, электр ва газ ускуналаридан нотўғри фойдаланишлари оқибатида юзага келганлиги маълум бўлади. Айрим ҳолларда рухсат этилмаган иситиш асбобларидан, носоз электр тармоқларидан фойдаланиш натижасида кишилар ўзларига жабр қилмоқдалар. Содир бўлаётган ёнғинларнинг 50-60 фоизи носозликлар оқибатида келиб чиқмоқда.

Биз – ёнғин хавфсизлиги ходимлари фуқароларимизга улар йўл қўяётган хатоликларни тушунтиришга, ёнғинларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини изчил давом эттираяпмиз. Бироқ, ҳар бир фуқаро эътиборсизлик нималарга олиб келиши мумкинлигини ўзи тушуниб етиши, ҳис этиши лозим.

Шундагина "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" ва бошқа чора-тадбирлардан кутилган самарага эришиш мумкин.

**Д. МУРСИКАЕВ,**
**12-ҲЁХО ходими.**

